

## Дуонинг одоблари (давоми)



09:40 / 20.04.2019 3591

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сизнинг бирортангиз модомики шошилиб, «Дуо қилдим, ижобат бўлмади», демасагина унга ижобат қилинади», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Дуонинг одобларидан бири унинг ижобат бўлишига шошилмаслик ва «Нима учун дуоим қабул бўлмаяпти», демасликдир.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳнинг ижобатига аниқ ишонган ҳолингизда дуо қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ ғофил ва беҳудачи қалбдан дуони қабул қилмас», дедилар».**

*Термизий ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Дуонинг одобларидан бири ижобатга аниқ ишонган ҳолда дуо қилишдир. Дуо қилувчининг қалби ғофил бўлса ҳам дуоси қабул бўлмайди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**